Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Вобкент туман ҳокими
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Vobkent tuman hokimi
QARORI

2020 йил "30" 04 Вобкент тумани 1628-сон

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тумандаги автотранспорт воситасига эга корхона, ташкилот, муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни ҳисобини юритиш ишлари устидан тизимли назорат ўрнатиш ва уни сифатини яхшилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 июлдаги 259-45-сонли "Ҳарбий-транспорт мажбурияти тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, тумандаги автотранспорт воситасига эга корхона, ташкилот, муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни ҳисобини юритиш ишлари устидан тизимли назорат ўрнатиш ва уни сифатини яхшилаш мақсадида ҳамда туман мудофаа ишлари бўйича бўлимининг 2020 йил 2 мартдаги 417 -сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман мудофаа ишлари бўйича бўлимининг 2020 йил 2 мартдаги 417 -сонли хати инобатга олинсин (Хат илова қилинади).

2.Тумандаги автотранспорт воситасига эга корхона, ташкилот, муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни ҳисобини юритиш ишлари устидан тизимли назорат ўрнатиш ва уни сифатини яхшилаш мақсадида 2020-2021 йиллар давомида текшириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Транспорт воситасига эга корхона, ташкилот ва муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни ҳисобини юритилишини текшириш ишлари белгиланган тартибда амалга оширилсин.

4.Ташкилот, корхона, муассаса, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари, фирмалар раҳбарларига:

-техникаларни ҳарбий ҳисобини юритилиши ва техник ҳолатига эътибор қаратиш;

-техникаларни ҳарбий ҳисобини юритилиши ва техник ҳолати сақлаш ишлари учун маъсул ходим тайинлаб уларни мудофаа ишлари бўлими билан

узлуксиз алоқада бўлишини, талаб этилган маълумот, ҳисоботлари тақдим этилиши ва машғулотларга иштирок этилишини таъминлаш;

-эҳтиёт қисмлар автомобил захира асбоб ускуналари ва ёқилғи қуйиш воситалари учун жавобгар шахслар иш фаолияти устидан доимий назорат қилиб бориш ҳамда техникаларни доимий жанговор шайлиги таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳарбий-транспорт мажбурияти тўғрисида"ги фармойишига мувофик транспорт воситасига эга корхона, ташкилот ва муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни созлиги, сифатлилиги ва захирадаги эҳтиёт қисмлари тўликлиги таъминлаш топширилсин.

5.Ҳарбий рўйхатга олиш тадбирларини бажариш жараёнида корхона, ташкилот, муассаса жумладан таълим муассасалари маъмуриятлари мудофаа ишлари бўйича бўлим томонидан ҳарбий ҳисобни текширув жараёнида ушбу қарорнинг 1-иловасидаги жадвал асосида кўрсатилган муддатларда ҳарбий ҳисобга оид барча хужжатлар тақдим этиш мажбурлиги белгилансин.

6. Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни уни назорат қилиш туман мудофаа ишлари бўйича бўлим томонидан амалга оширилсин.

7. Тумандаги корхона, ташкилот, муассасаларга ҳамда фукароларни ўзини ўзи бошқариш органларига "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1996 йил 22 июл кунидаги 259-45-сонли "Ҳарбий-транспорт мажбурияти тўғрисида"ги фармойиши талабларини сифатли ва самарали бажариш тўла тўкис амалга ошириш юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Туман ҳокимининг 2019 йил 14 мартдаги 1602-сонли "Тумандаги автотранспорт воситасига эга корхона, ташкилот, муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни ҳисобини юритиш ишлари устидан тизимли назорат ўрнатиш ва унинг сифатини яхшилаш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ғ.Джунаитов ва туман мудофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғи М.Палваниязов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.С.Бафоев**

Вобкент тумани
хокимининг
2020 йил "__" ___"апрелдаги
__-сонли қарорига
илова

Тумандаги автотранспорт воситасига эга корхона, ташкилот, муассасаларда Қуролли Кучларга етказишга ажратилган автотранспорт воситалари ва бошқа техникаларни хисобини юритиш ишлари устидан тизимли назорат ўрнатиш ва уни сифатини яхшилаш мақсадида 2020-2021 йиллар давомида ўрганиш

ЖАДВАЛИ

№	Корхона ташкилот ва муассасалар номи	Текширув ўтказиш муддати
1.	Вобкент тумани "INOM NAIMOV" ММТП масъулияти чекланган жамият	18.05.2020 йил
2.	Вобкент тумани "ZARBDOR TEXNIKASI" МТП масъулияти чекланган жамият	08.06.2020 йил
3.	Вобкент тумани машина трактор парки "Агросервис" масъулияти чекланган жамият	17.07.2020 йил
4.	Вобкент тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	07.08.2020 йил
5.	"Агрокимёҳимоя" АЖ Вобкент тумани филиали	10.09.2020 йил
6.	Вобкент тумани "Пахтасаноаттўқимачи" масъулияти чекланган жамият	05.10.2020 йил
7.	Вобкент тумани ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси	03.11.2020 йил
8.	Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси	04.12.2020 йил
9.	Вобкент тумани Автомото хаваскорлар НТМ	26.12.2020 йил
10.	Вабкент тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими	04.01.2021 йил